O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch — adolatda

# Adolat

Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan • 2001 yil 11 май • juma • № 19 (306) • sotuvda erkin narxda

**● Биз фахрийларимизнинг қадрини жойига қўйиш, уларга қўлдан келганча ғамхўрлик қилишни унутмаслигимиз лозим. Марҳумларни ёд этиш учун кўп нарса талаб қилинмайди. Лекин тирикларнинг ғамини ейиш осон эмас. Ўтган йили бу ерда кўрган айрим фахрийларни минг афсуски, бугун учрата олмадим. Шунинг учун мен бугун уруш ва меҳнат фахрийларига аввало, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман. Улар борлигининг ўзи биз учун катта давлат.**

**Ислом КАРИМОВ.**

*(9 Май куни Хотира майдонидаги суҳбатдан).*

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Президент Ислом Каримов 3-5 май кунлари иккинчи бор давлат ташрифи билан Россияда меҳмон бўлди. Ташриф ғоятда самарали ўтди.

**● Жиззахда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллаб, унда «Биз бор куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз» дея таъкидладилар.**

● 8 Май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент давлат консерваториясининг пойтахтимизда қад ростлаётган янги биноси қурилишини ҳамда Ҳамза номли театрдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан танишиб, ўз маслаҳатларини берди.

**● 9 Май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони ўзгача тус олди. Эрталабдан бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар, ҳарбийлашган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар йиғилди. Мазкур майдонга кириб келган, ушбу анъанавий тадбирнинг бош ташаббускори — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилганлар билан бирма-бир саломлашиб, ҳарбий оркестр садолари остида «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гул қўйди.**

**Президентимиз иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетган минглаб ватандошларимизнинг табаррук номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган айвонларни зиёрат қилди. Уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.**

*Бугун Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси очилади*

## ҲАР БИРИМИЗГА ДАХЛДОР

***Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганига ўн йил тўлаяпти. Унинг энг олижаноб шарофатларидан бири — мустақил парламент, бу парламентнинг эркин ҳамда ижодкорлик билан иш олиб бораётганлигидир.***

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтказилаётган ҳар бир сессияси мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолмоқда. Ҳар бир шундай анжуманни одамлар сабрсизлик билан кутадилар. Биров газета ўқийди, биров радио қулоғини бурайди, бошқа биров телевизор кўради. Олий Мажлис сессияси матбуотда умухалқ муҳокамаси учун эълон қилган анов қонунни қай ҳолатда қабул қиларкин? Бизнинг таклифларимиз ҳам ўтармикан? У қачондан бошлаб амалга киритилар экан? Навбатдаги сессия кун тартибига яна қандай масалалар киритиларкин? — деб ўйлаб, астойдил куюниб юрувчи ҳуқуқшунос ва иқтисодчи олимларимиз, амалиётчиларимиз, тегишли соҳа вакиллари, мутахассислар ва ҳатто талабалар кўп юртимизда.***

Бир сафарги сессиядан сўнг аудиторлик текшируви соҳасида ишловчи дўстимиз ўзига тегишли соҳа қонуни парламент томонидан биринчи ўқишда маъқулланиб, матбуотда эълон қилинганида лойиҳани ўқиб, ташвишланиб қўнғироқ қилгани ёдимда. Кейинроқ эса у ўша қонуннинг навбатдаги сессияда иккинчи ўқишда қабул қилинган матнида ўзининг ҳам матбуот орқали билдирган таклифлари шаклан тўлиқ бўлмасада, мазмунан тўлиқ равишда инобатга олинганини, қонун илгариги матни билан қиёслаганда анча маромига етказилганини айтиб, ғурурланиб юрганди. Зеро, қонун ҳар биримизнинг ҳаётимиз ва фаолиятимизда ўта муҳим ўрин тутувчи юридик ҳужжатдир. Унга таянмай бирор бир ишни тўғри амалга оширишимиз, адолатли ҳал қилишимиз амримаҳол. Мамлакатимизда ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турувчи асосий омил ҳам — қонунларимиздир.

Бинобарин, Ўзбекистон эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий фуқаролик жамияти, адолатли демократик давлат барпо этиш сари бораётган муҳим босқичда ҳеч бир фуқаро сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан четда турмаслиги даркор.

Бугун ўз ишини бошлайдиган иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг бешинчи сессияси ҳам олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлида навбатдаги муҳим қадам



бўлади. Юртбошимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли асарида ва парламентнинг биринчи сессиясидаги маърузасида илгари сурган янги юз йиллик бошида мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик дастурини амалга ошириш учун аввало ҳар томонлама пухта қонунчилик негизини яратиш талаб этилади.

Ушбу Дастурда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, парламент янги жамиятни барпо этишнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш устида собитқадамлик билан иш олиб бораяпти. Депутатлар қонун лойиҳалари ва бошқа барча материалларни Олий Мажлис қўмита ва комиссияларининг ўтган йилиёқ ишлаб чиқиб, тасдиқланган 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолияти устуворликлари асосида тайёрлайдилар.

Навбатдаги, бешинчи сессия куни тартиби лойиҳасидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилги ва 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масаладир. Парламент Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган энг муҳим ваколатидан фойдаланиб, мамлакатнинг энг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилади.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси парламент сессияси муҳокамасига янги таҳрирда киритилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси илгари Олий Мажлис томонидан биринчи ўқишда маъқулланиб, кенг жамоатчилик муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинганди. Лойиҳа республикамизда амалдаги қонун қабул қилинганидан буён ўтган саккиз ярим йил мобайнида содир бўлган ўзгаришларни ўзида аниқ ифодалайди. Ундаги янгилик шундан иборатки, прокуратура фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш мақсадида Қонун лойиҳасига биринчи марта прокуратура органларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро узвий ҳамкорлигини тартибга солувчи норма киритилаяпти. Бу кўпчиликни қизиқтириши табиийдир. Умуман олганда, Қонун лойиҳаси прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми, вазифаларини ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, энг муҳим йўналишлари ва тамойилларини белгилаб беради. Мазкур ҳужжат жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашга, прокуратура органлари фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилгандир.

Юртбошимиз томонидан баён этилган миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назарий қоидалар ва концептуал ёндашувлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида қайд этилган нормалар «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида янада ривожлантирилган. Парламент муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган бу ҳужжатни тайёрлашда қонун ижодкорлари мустақил Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини, минтақадаги ва дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни, ҳозирги замон урушлари ва қуролли можароларнинг хусусиятини, юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликни пухта ва самарали ҳимоя қилишга қодир бўлган ихчам, етарли даражада ва яхши қуролланган армияни шакллантириш заруратига асосланишган. Қонун лойиҳаси мамлакат мудофаа сиёсатининг барча йўналишлари ва жиҳатларини қамраб олади.

«Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам юқорида айтиб ўтилган ҳужжатга ҳамоҳанг бўлиб, унинг асосий мақсади ҳарбий таркибларнинг, шунингдек алоҳида назорат қилиш талаб этиладиган юкларнинг транзит тарзда ўтиши пайтида Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, шу пайтгача республикамизда суд ижрочиларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгилаб қўйилмаган эди. Бунинг устига суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш ҳозирги пайтда 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексининг V бўлими билан тартибга солиб келинаётганди. Ваҳоланки, ушбу кодекснинг бошқа бўлимлари 1997 йилда янги Фуқаролик кодекси қабул қилинганидан сўнг ўз кучини йўқотган. Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларида ҳам ижро иши юритилишини аниқ тартибга солувчи нормалар йўқ. Бешинчи сессия муҳокамасига қўйилаётган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши қонунчилигимиздаги ана шу бўшлиқни тўлдиради ва қусурларга барҳам беради. Мазкур ҳужжат ижро иши юритилиши самарадорлигини оширишга, суд ижрочиларининг фаолиятини қонун йўли билан тартибга солишга қаратилгандир.

Ҳозирги кунда бутун дунёда сил касаллиги оғриқли муаммолардан бири саналади. Сайёрамизда аҳоли ўртасида сил касаллигига чалинишнинг тарқалиб кетиши кузатилмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, яқин келгусида дунё бўйича сил касаллигига дучор бўлганлар сони 300 миллион кишидан ортиши мумкин. Сессия кун тартибига киритилган «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси Ўзбекистонда бу касалликнинг олдини олиш, унга ташхис қўйиш, малакали даволаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, сил касаллигига чалинган беморлар ва шу соҳада банд бўлган тиббиёт ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини белгилаш мақсадини кўзлайди. Яна бир муҳим жиҳати шуки, лойиҳада бу дардга чалинган беморларни бепул даволаш тамойили назарда тутилади. Энг асосийси, бу ҳужжат сил касаллигининг тарқалишини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва мамлакатимизнинг меҳнат салоҳиятини сақлаб қолиш мақсадини кўзлайди. Шунингдек, Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини, «Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қонун ҳужжатини, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ва бошқа масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилади.

Йигирма биринчи аср бошида Ўзбекистон парламентининг фаолияти ижтимоий жиҳатдан бағоят муҳим аҳамиятга молик бўлган олтита йўналиш: қонунчилик, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назорат, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини олиб бориш, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига амалий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда собитқадамлик билан олиб борилмоқда.

Чуқур мулоҳаза қиладиган бўлсак, парламент ишининг мана шу ўта муҳим йўналишлари бўйича қилинаётган ва бундан кейин ҳам амалга ошириладиган ишлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ҳаёти ва фаолиятига бевосита дахлдордир. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда ҳаммамиз ва ҳар биримиз жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этмоғимиз талаб этилади.

**Олимжон НАЗАРОВ,**
**журналист.**

*Партия фракцияси фаолиятидан*

## ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ МЕЗОНИ

**** «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда ташкил топган.***
**** Партиянинг 39 минг нафар аъзоси бор.***
**** Фракция аъзолари – 9 нафар.***
**** Фракция аъзоларининг 3 нафари Олий Мажлисда доимий ишлайди: қўмита раиси – 1 нафар, қўмита раиси ўринбосари – 1 нафар, Олий Мажлис котибияти бошлиғи – 1 нафар.***
**** «Адолат» социал-демократик партиясидан Маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар сони – 65 нафар.***

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик шаклланиб, эндиликда тобора ривожланмоқда. Бу, албатта, жамиятимизни эркинлаштиришга ва янада демократлаштиришга кўмаклашади. Кўппартиявийликка ўтишни оддий жараён деб бўлмайди. Янги партиялар ҳали ўзларининг мафкуравий нуқтаи назарларини яратиш даврида бўлиб, ўз ташкилий ишларининг ҳам янги шаклларини изламоқдалар. Сўзсиз, партия фаолияти жамоат ҳаётининг ҳозирги кунги эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланиши керак. Қонун яратиш жараёнидаги иштирок ҳар бир партия фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Бу жараёнда аҳоли муайян қатламларининг фикр ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу қонунларни яратиш ташаббуси билан чиқишга ҳамда ҳимоя қилишга имкон яратилади. Партия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўз фракциясини тузиб, қонун яратиш жараёнига бевосита таъсирини кўрсатиши мумкин.

«Адолат» социал-демократик партиясининг депутатлар фракцияси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилишида, 2000 йил 11 февралда тасдиқланган эди. Мамлакатимиз парламентида фракциянинг уч нафар аъзоси доимий ишламоқда. Фракция ўз фаолиятини партиянинг низомда белгиланган вазифаларига ҳамда дастурига биноан амалга оширмоқда. Шу боисдан ҳам фракция аъзолари «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши билан узвий алоқа боғлаган ҳолда иш олиб боришади. Унинг таркибига Олий Мажлиснинг беш нафар депутати ҳам сайланган.

Фракция Олий Мажлис сессиялари оралиғида ўз йиғилишларини ўтказади, уларда парламентнинг сессияси кун тартибига киритиладиган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилади ҳамда фракция аъзоларининг таклиф ва мулоҳазалари умумлаштирилади, фракциянинг қонун яратиш фаолиятига таааллуқли у ёки бу масалаларга ёндашуви, нуқтаи назари ишлаб чиқилади.

Фракция фаолиятида бошқа фракциялар билан биргаликда қўшма йиғилишлар ўтказиш тажрибасидан ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг декабр ойида «Адолат» ва «Миллий тикланиш» партиялари депутатлар фракцияларининг қўшма йиғилиши ўтказилди. Унда мамлакатимиз молия вазири М. Нормуродовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йил тўққиз ойи мобайнидаги ижроси ва бюджетнинг 2001 йилга мўлжалланган асосий параметрлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Ушбу йиғилишда депутатлар сайловчиларни қизиқтирган қатор ижтимоий масалаларни кўтардилар. Жумладан, 1992 йилги давлат ички заёми бўйича ҳақ тўлаш, ногирон болаларни ўқитишда имтиёзлар яратиш, олий ўқув юртларига шартнома асосида кирган талабаларга молиявий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ мактабларида ўқитиш шарт-шароитларини яхшилаш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳақидаги ва бошқа масалалар тўғрисида сўз борди. Молия вазири барча масалалар бўйича берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Айримлари эса ҳозирги кунда ҳаётимизда ўз амалий ечимини топмоқда. Мисол учун, шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг ўқиши учун ҳақ тўлаш муаммоси кўпларни ташвишлантиради. Ушбу долзарб масалани ҳал этишда сезиларди ижобий ўзгаришлар юз берди. Халқ банки ва бошқа банклар олий ўқув юртларида пулли асосда ўқиётган талабаларга «Абитуриент» омонати бўйича имтиёзли кредит беришни бошлади. Жорий ўқув йилининг ўзида мазкур мақсадлар учун қарийб 25 млн. сўм маблағ ажратилди.

Давлатнинг бюджет сиёсатида ижтимоий дастурларга катта аҳамият берилмоқда. Бюджет харажатларининг умумий ҳажмида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга бўлган сарф-харажатлар энг катта улушга эга. 2000 йилги Давлат бюджети харажатларининг умумий ҳажмида бундай сарф-харажатлар 43,5 фоизни ташкил этди.

Партия фаолияти учун хос бўлган социал-демократия тамойилларининг энг асосийси – бу ижтимоий адолат тамойилидир. У фуқароларнинг фаровон ҳаёти, таълим олиши, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, ўтиш даврида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялаш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Яқинда фракциямизнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари юзасидан фракция аъзоларининг таклиф ва фикр-мулоҳазалари кўриб чиқилди, фракция номидан сўзга чиқувчи депутатлар белгиланди, шунингдек фракциянинг сессияда муҳокама этиладиган барча масалалар бўйича нуқтаи назари ишлаб чиқилди. Олий Мажлиснинг бешинчи сессия кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги масала, «Прокуратура тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари билан биргаликда «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Бизнинг назаримизда, бу масала жуда долзарб, чунки охирги пайтда аҳоли ўртасида сил касаллиги билан касалланиш ҳоллари кўпайиб кетди. Бу эса, албатта, ушбу муаммони ҳал этишда давлат ёндошувини талаб этади. Шубҳасиз, ушбу қонун лойиҳаси нафақат бизнинг фракциямиз, балки Олий Мажлиснинг барча депутатлари томонидан ҳам маъқулланади, деб ўйлайман. Чунки, у аҳолини соғломлаштириш давлат дастурларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган руҳига тўла мос келади.

«Адолат» фракцияси фаолиятининг муҳим шаклларидан бири – бу оммавий ахборот воситалари амалга оширадиган тадбирларда иштирок этишдир. Авваламбор, партиямизнинг ўз нашри бўлмиш «Адолат» газетасидан оқилона фойдаланиш, шунингдек телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда фаол иштирок этиш муҳимдир. Хуллас, Олий Мажлисдаги фракциямиз бир томондан қонун яратиш жараёнида фаол иштирок этиш учун, иккинчидан эса, у ўз сайловчиларига партия дастури ва низомидаги вазифаларни рўёбга чиқариш борасида амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида тақдим этиш мақсадида фаолиятнинг барча шакл ва усулларидан кенг фойдаланмоқда.

**Турғунпўлат ДАМИНОВ,**
**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

● МОСКВА. Яқин келажакда Россия билан Грузия ўртасидаги виза тартибининг бекор қилиниши эҳтимоли бор. Россия Президенти В. Путиннинг айтишича, бу Чеченистондаги аксилтеррор операцияси тугатилганидан сўнг амалга ошади. Грузия Россия ҳукуматининг ушбу қарорига тўла қўшилишини билдирди.

* * *

**● КИЕВ. Украинада 39 нафар ноқонуний муҳожир қўлга олинди. Маълум бўлишича, улар Украина орқали Венгрияга, ундан эса Европанинг бошқа давлатларига ўтиб кетмоқчи бўлган. Мамлакат божхона хизмати вакилларининг айтишича, улар орасида иккита ёш бола ҳам бор. Қонунбузарларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.**

* * *

● ВАШИНГТОН. Оқ уй маъмурияти Эрон ва Ливияга қарши иқтисодий жазо масаласида ҳали бирор қарорга келиши амри маҳол. Бу ҳақда АҚШ дав-



Ню-Йорк шаҳри.

лат департаменти расмий вакили Ричард Баучер маълум қилди.

Маълумки, 1999 йилода мамлакат конгресси томонидан мазкур икки давлат жазолаш тўғрисида қонун чиқарилганди. ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддати шу йилнинг август ойида тугайди. Айни чоғда конгрессда бу муддатни яна беш йилга узайтириш масаласи устида қизғин муҳокама кетяпти.

* * *

**● ИСЛОМОБОД. Покистонда элликка яқин одам офтоб уриши натижасида ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга кўра, мамлакатнинг Панжоб, Белужистон ҳамда Синд вилоятларида ҳаво ҳарорати 45-50 даражага етган. Жазирама қурбонига айланаётганлар, асосан қариялар ва ёш болалардир.**

**Мамлакат метерологларининг айтишича, иссиқ ҳаво мамлакатда анча вақт сақланиб туради. Муссон ёмғирлари мавсуми эса июль ойининг ўрталарида бошланади.**

* * *

● МОСКВА. 14 май куни бу ерга «Курск» сувости кемаси ҳалокати сабабларини ўрганиши бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлади. Унда «Курск»ни денгиз қаъридан чиқариб олиш бўйича техникавий лойиҳа ҳамда ушбу операцияни ўтказиш муддати тасдиқланиши кутилаётир.

* * *

**● АККРА. Чоршанба куни Ганада нохуш воқеа содир бўлди. Футбол ўйини чоғида тартибсизлик юзага келди. Полиция футбол ишқибозларини тартибга солиш учун кўздан ёш оқизувчи газ ишлатишга мажбур бўлди. Ур-сур оқибатида 120 киши ҳалок бўлди, ўнлаб ишқибоз яраланди. Гана ҳукумати ушбу ҳодиса юзасидан текширув ўтказишга киришди.**



Миср Араб республикаси. Янги водий.

* * *

● РАБОТ. Жазоирнинг Тизщи-Узу вилоятида экстремистик оқимдаги Салафийлар гуруҳи жангарилари томонидан саккиз нафар полициячи ўлдирилди. Хабарларга қараганда, полициячилар қуршовга тушиб қолган ва жангариларга қаршилик кўрсатишга ожизлик қилган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги воқеанинг тўлиқ тафсилотларини маълум қилишдан бош тортди.

*Партия ахбороти*

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, фракция раиси Турғунпўлат Даминов бошқарди.***

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси кун тартибидан жуда кўп муҳим ҳаётий масалалари ўрин олган.

Партиямизнинг Олий Мажлисдаги фракцияси йиғилишида бешинчи сессиянинг кун тартибига қўйилган масалалар кўриб чиқилиб, қизғин муҳокама этилди ва қўллаб-қувватланди.

Сессия кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, фракция раиси Турғунпўлат Даминов ахборот берди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Абдурафиқ Аҳадов сўзга чиқиб, сессия кун тартибидан ўрин олган биринчи масала – «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида» ахборот билан йиғилганларни таништирди.

Муҳокама этилган қонун лойиҳалари юзасидан фракция аъзолари – депутатлар Темурмалик Юнусов, Омон Олимжонов, Акбар Темиров ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини баён этдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

